# СЎЗДАН ИШГА ЎТАЙЛИК, ҚАТЪИЯТ БИЛАН ОЛҒА БОРАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

тараф этиш муаммоларини амалда ҳал қилишга қодир бўлган билимдон кишилар бўлиши керак.

Ўртоқлар, Президент ҳокимиятининг мустаҳкам системасини барпо этиш учун негиз қилиб олинадиган асосий ёндашувлар мана шундан иборат. Бироқ мамлакатдаги бутун ижроия ҳокимияти самарали ишлаганидагина бу система самарали ишлаши мумкин. Ҳозир бизда ваколатларни сайлаб қўйилган органлар билан уларнинг ижроқўмлари ўртасида фарқлаб қўйишда рўй берган чалкашлик, шунингдек юқоридан қуйигача ва қуйидан юқоригача ижроия ҳокимиятининг ўзаро алоқаси издан чиққанлиги бунга халақит бермоқда. Биз, аслида жойлардаги, жумҳуриятлар даражасидаги ва марказдаги шу ҳокимиятнинг ўзига хос тарзда фалаж бўлиб қолганига дуч келдик. Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш йўли билан шу тугунни ечиб юбориш керак.

Шундай қилиб, Президент ҳокимияти системасини барпо этиш мамлакатдаги бутун ижроия ҳокимиятининг мавқеи ва масъулиятини оширишни тақозо этади. Биз Иттифоқ шартномаси тузилмасданоқ шу тадбирларни кўряпмиз. Бизнинг кутиб туришга вақтимиз йўқ, вазият шундай қилишга мажбур этмоқда, ҳаракат қилмоқ керак. Шу билан бирга биз съезднинг кун тартибига Иттифоқ шартномаси лойиҳасининг муҳокамасини киритиб тўғри иш қилдик, деб ҳисоблайман. Шартномага бағишланган махсус маъруза бўлади. Баъзи бир энг муҳим масалалар хусусидаги энг асосий нуқтаи назаримнигина баён этиб ўтмоқчиман.

Аввало, назаримда, мамлакатда, халқ орасида ўз-ўзидан равшанки, ўзгартирилган тарзда, халқчиллик қоидаларига асосланган Иттифоқни сақлаб қолиш ҳаётий зарурат эканлиги хусусидаги якдиллик тобора аниқланиб бораётганини қайд этиш учун ҳамма асослар бор, аммо бунда ССЖ Иттифоқининг мустақиллиги билан жумҳуриятлар мустақиллигининг бирлиги таъминланиши лозим. Шу муносабат билан жумҳуриятларнинг мустақиллиги — кўпмиллатли давлатимиз тараққиётидаги тарихан муқаррар босқич эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бироқ ҳаддан ташқари марказлашишдан, унитаризмдан воз кечиш билан бирга Иттифоқни шаклсиз бир тузилмага айлантириб юборишга, айниқса унинг парчаланиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Шундай қилинса, миллион-миллион кишиларнинг тақдирига ва дунёдаги бутун вазиятга жуда оғир таъсир ўтказилган бўлур эди.

Ҳозир биз кўпмиллатли давлатни тубдан ўзгартириш босқичига кирдик. Унинг бўлажак тақдири, бинобарин эса, сиз билан бизнинг, ҳар бир халқнинг тақдири ҳам ҳал этилмоқда. Биз: ҳар бир халқ ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга, деган қоиданинг ўзгармаслигига асосланиб иш тутамиз. Аммо, айни ялпи халқ шундай ҳуқуққа эгадир. Халқ ўз хоҳиш-иродасини ифодалашининг энг яхши шакли референдумдир. Шу боисдан мен съезд муҳокамасига ҳар бир фуқаро федератив асосдаги мустақил давлатлар иттифоқининг «тарафдори» ёки унга «қарши» эканини билдириши учун бутун мамлакатда референдум ўтказишни таклиф қиламан. Ҳар бир жумҳуриятдаги референдум натижаси эса узил-кесил ҳукм бўлади. ССЖИдан чиқишга келганда шуни айтиш керакки, бу иш фақат тегишли қонун асосида, мазкур мураккаб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараённинг барча жиҳатларини албатта ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Яна бир муҳим масала. Сўнгги вақтда шундай вазиятга дуч келдикки, жумҳуриятлар ва бошқа миллий-ҳудудий тузилмалар ўзларининг ҳуқуқий аҳволидаги турли-туман ўзгаришларни эълон қилиб, амалдаги ССЖИ Конституциясини назар-писанд қилмаётирлар. Қўпол қилиб айтганда, бундай «партизанча» ёндашув жиддий тартибсизликлар, бошбошдоқликни келтириб чиқариши мумкин. Бу—боши берк кўчадир. Сиз билан биз буни ҳозироқ сезиб турибмиз. Шу сабабли халқ депутатлари съезди қатъий қилиб бундай дейиши керак, деб ҳисоблайман: барча иштирокчиларнинг ҳуқуқий мақомини узил-кесил белгилаб берадиган Иттифоқ шартномаси тузилгунга қадар ССЖИ Конституцияси сўзсиз ижро этилиши лозим бўлган олий даражадаги қонуний ҳужжат бўлиб қолаверади. Президентлик ҳокимияти ана шунга амал қилган ҳолда иш олиб бораверади.

Мамлакатдаги аҳволни муҳокама этиш ва Иттифоқ шартномасини қабул қилиш муносабати билан яна бир мавзу борки, бу ҳақда гапирмай ўтиш мумкин эмас. Миллатлараро адоват, ажрамачилик ёки ҳар иккаласи биргаликда бир қанча минтақаларда, аввало Кавказорти, Болтиқбўйи жумҳуриятларида, Ўзбекистонда, Молдовада кескин муҳолифликка, турмушнинг қийинлашувига, одамларнинг хавфсизлигига, фожиали воқеаларга олиб келди. Бу воқеалар Иттифоқ давлатининг яшашини гумон қилиб қўймоқда. Маҳаллий, жумҳурият ҳокимиятларининг ва ўз-ўзини танқид руҳида тан олиш керакки, ССЖИ Президентининг бир қанча ҳолларда йўл қўйган сабрбардоши оғир оқибатларга олиб келди. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Ажрамачи ва миллатчи кучларнинг вайрон этувчи ҳаракатларига чек қўйиш юзасидан қатъий чоралар кўриш зарур. Кўпмиллатли давлатимизнинг ҳамма жойларидан ана шундай талаблар эшитилмоқда, бу халқнинг иродасидир, съезд ҳам шу иродани ифодалаб, мазкур масала юзасидан ўзининг қатъий фикрини айтади, деб умид қиламан.

Ўртоқлар! Жиноятчиликка қарши қатъий ҳужумга ўтиш, бандитизмга, иқтисодий саботажга, порахўрликка, чайқовчиликка, ўғриликка, безориликка шафқатсиз зарба бериш учун бизга кучли ҳокимият ҳозир айниқса зарур. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини шунчаки мувофиқлаштириш етарли бўлмади. Президент ҳузурида уюшган жиноятчиликка қарши кураш билан шуғулланувчи махсус тузилма барпо этилмоқда. Қаттиқ чоралар кўриш зарур ва биз шундай чораларни кўрамиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва мудофаа вазирлиги раҳбарларининг баёнотларида бу ҳақда аниқ-равшан айтилди. Бу — Президентлик ҳокимияти тутган йўлдир. Бу йўл оғишмай амалга оширилади. Халқ депутатлари, барча ҳокимият органлари, умуман жамият буни тушуниб етиши ва қўллаб-қувватлашига умид қиламиз.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига нисбатан талабчанлик оширилади, кадрлар мустаҳкамланади. Лекин улар фаолиятининг ҳуқуқий негизлари ҳам кучайтирилади. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг шаънини, қадр-қимматини, ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга имкон беради. Уларнинг жуда қийин ва хавфли иши моддий базаси ҳам яхшиланади. Шахсий составнинг турмуш шароитини яхшилашга доир қўшимча чораларни кўрамиз. Милиция ва Давлат хавфсизлиги органлари тўғрисидаги қонунни қисқа муддатда қабул қилиш керак.

Қуролли Кучлар тўғрисидаги масала — алоҳида масаладир. Давлатимиз мудофааси — уларнинг зиммасига юкланган. Армия мамлакат давлат суверенитетининг, унинг ташқи ва ички барқарорлигининг энг муҳим таянчидир. Ҳозир армия теран ислоҳот даврини бошидан кечирмоқда ва ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрликка муҳтождир. Ушбу минбардан туриб айтаманки, Қуролли Кучларимизни ёмон отлиққа чиқаришга ва камситишга қаратилган ҳар қандай уринишларни қатъиян қоралаш зарур. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳар қандай тарзда бузишни, истеъфога чиққанларни уй-жой билан таъминлаш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, ишга жойлаштириш хусусида инсонпарварликка зид бўлган ва хавфли иғвогарлик ҳатти-ҳаракатларини истисно этиш керак. Съезд мамлакатнинг Қуролли Кучларига, унинг қўмондонлигига, офицерлар ва аскарларга тўла ишонч билдиради, бунга аминман. Шуни таъкидламоқчиманки, мамлакат Қуролли Кучлари муаммолари Президент ҳокимияти, унинг барча органлари фаолиятида биринчи ўринда туради.

## II.

Депутат ўртоқлар!

Президент ҳокимияти ва унинг янги тузилмалари дарҳол шуғулланадиган энг муҳим муаммо — озиқ-овқат муаммосидир. Ҳозир юз бераётган воқеалар шунчаки озиқ-овқат маҳсулотининг етишмаслиги эмас. Бу тартибсизликнинг, назорат йўқлигининг, аҳолига нисбатан жиноятқорона масъулиятсизликнинг оқибатидир, жумҳуриятлар ва вилоятлар ўртасида маҳсулот етказиб бериш мислсиз барбод этилганлигининг, хўжалик алоқалари узилганлигининг, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги нормал муносабатлар бузилганлигининг натижасидир.

Москва, Ленинград, Свердловск, Челябинск, Кемерово, Хабаровск, бошқа саноат марказлари оғир аҳволга тушиб қолди. Жумҳуриятлар ва вилоятлар озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришни барбод қилишаяпти ва айни пайтда аввалгидек металлни ҳам, газни ҳам, нефтни ҳам, кўмирни ҳам истеъмол қилишаяпти, саноат марказлари етказиб бераётган автомашиналарни, турли техникани олиб туришибди. Буни кўриб одамларнинг ғазаби қайнаб кетмоқда. Мен сизлардан сўрайман: бу қанақа суверенитет ўзи? Суверен ҳуқуқлар шу мақсадда тасдиқланадими?

Яна бир бор айтмоқчиман, биз 1991 йилда ўзимизда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва чет элдан сотиб олинган маҳсулотлар ҳисобига жон бошига истеъмол қилишни шу йилги даражадан камайтирмай таъминлай оламиз. Лекин озиқ-овқат ресурсларидан фойдаланишда тартиб ўрнатиш керак. Бу ҳосилни йиғиштириб олиш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлашга, албатта, биринчи навбатда тақсимлашга, савдога таааллуқлидир.

Аҳволни ўнглаб олиш учун шошилинч чоралар кўриш зарур. Бу хусусда нималар қилинмоқда ва қандай ишлар амалга оширилмоқчи?

Жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларига, бутун аграр секторга ишлаб чиқариш ҳажми учун етарли бўлган зарур моддий ресурслар ажратилмоқда. Давлат фондига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кафолат билан топширилиши ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришни кучайтиришни кўзлаб 1991 йилда товар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган барча деҳқонлар ва ердан фойдаланувчилар учун давлат буюртмасини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Давлатга етказиб бериладиган бундай маҳсулотнинг ҳажми сўнгги беш йилдаги ўртача йиллик хариднинг 60 фоизидан ошмаслиги лозим. Бундай ҳолда давлат харид нархлари билан ҳақ тўланади. Мажбурий равишда етказиб берилган маҳсулотдан қолган қисми истеъмол бозорида эркин сотилади.

1991 йилда озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатининг янги қувватлари ишга туширилиши керак, бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни тахминан 5—6 миллиард сўмлик кўпайтиришга имкон беради. Бу қувватларнинг анчагина қисми келгуси йилнинг дастлабки 3—4 ойида ишга туширилиши лозим. Аҳоли етиштирадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш мақсадида Центросоюз ишини, аввало унинг моддий техника базасига тааллуқли ишини яхшилаш чоралари кўзда тутилди. Бу эса чакана савдо тармоқларига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришни қўшимча равишда 3 миллиард сўмлик кўпайтиришга имкон беради. Озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишни яхшилаш юзасидан сира кечиктирмай чоралар кўришга келганда эса бу соҳада катта иш қилиниши керак, албатта. Аввало жумҳуриятларнинг ҳукуматлари, Советларнинг ижроия комитетлари 15 январга қадар барча турдаги хўжаликлар билан битим бўйича маҳсулотни давлат йўли билан харид қилиш учун шартнома тузишлари лозим. Таъкидлаб айтаман, барча хўжаликлар билан шартнома тузилиши керак.

Бу йилги сабоқларни, саноат марказларига маҳсулот етказиб беришнинг барбод бўлганлигини ҳисобга олиб, озиқ-овқат таъминоти масалалари юзасидан жумҳуриятлар ўртасида 1991 йилга битим имзолашни таклиф қилдим. Бу битим Иттифоқ ва жумҳуриятлар фондларига тегишли маҳсулот етказиб беришни, қатъий иқтисодий ва ҳуқуқий жавобгарликни кўзда тутади. Мамлакат ҳудудида озиқ-овқатни ташишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай тўсиқлар бекор қилиниши лозим. Акс ҳолда асосий вазифани — бозорга ўтишни ҳал қилиш йўлида сунъий тўсиқлар вужудга келади. Съезд иш олиб бораётган кунлардаёқ ана шундай битимлар имзоланиши лозим ва ушбу масала юзасидан съездга ахборот берилади.

Сўнгра, ССЖИ Прокуратурасига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига озиқ-овқат таъминотининг бутун занжири бўйлаб ҳар қандай суиистеъмолларга ва айниқса уюшган жиноятчиликка қарши курашни қаттиқ қилиб қўйиш ҳақида топшириқ берилганлигини айтмоқчиман. Бу вазифанинг муҳимлиги, шунингдек бир қанча ҳолларда биз иқтисодий саботажга дуч келаётганлигимиз муносабати билан бу ишга бутун мамлакатда Давлат хавфсизлиги идоралари жалб этилди. Шу мақсадда ишчи назорати органлари ваколатларини кенгайтириш ҳақида фармон чиқарилди. Ишчи назорати органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилади. Жойлардаги ҳокимият, меҳнат жамоалари уларни тегишлича қўллаб-қувватлайдилар, деб умид қиламан.

Баён қилинган чоралар кўп жиҳатдан фавқулодда тусдадир. Аммо биз деҳқончиликка муносабатнинг ўзида туб бурилишга эришмасак, қишлоқнинг ижтимоий қиёфасини ўзгартирмасак, озиқ-овқат масаласини ҳал қила олмаймиз, танглиқдан чиқа олмаймиз. Деҳқон ҳамиша жамиятни тўйдириб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Унинг оғир меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш талаб қилинади. Аллақачон гапдан ишга ўтиш лозимлиги тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу аввало бутун қишлоқ турмуш тарзини иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ўзгартиришга таааллуқлидир.

Қишлоқни қайтадан тиклаш — жамиятнинг маънавий бурчи. Шу сабабли мамлакатни янгилашнинг бутун сиёсатида аграр масала устувор масала бўлиб қолади.

Биз қишлоқда хўжалик юритишнинг хилма-хил шаклларини ёқлаб чиқдик ва ўзгартиришлар йўлига ўтдик. Деҳқоннинг, ерда меҳнат қилаётган барча кишиларнинг донолиги ва соғлом фикрига таяниб ана шу йўлдан бориш керак. Ер муносабатларини ислоҳ қилишда 1991 йил бурилиш йили бўлиши лозим. Съездимизнинг махсус декларациясида 1 январдан бошлаб деҳқон хўжаликларига, барча фуқароларга хўжалик юритиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун, умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ҳеч қандай тўсқинликсиз ижарага ер участкалари ажратиб берилади, деб ёзиб қўйишни таклиф қиламан. Президентнинг Фармони билан жумҳуриятлар ва маҳаллий идораларга шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгаларига агар улар хоҳласалар қўшимча ер ажратиб бериш тавсия қилинади. Боғдорчилик ва полизчилик билан шуғулланишни хоҳлаган фуқароларнинг илтимосларини қондириш тўғрисидаги фармон тайёрланди ва келишиб олиш учун жумҳуриятларга юборилди. Ҳисоб-китобларга қараганда, бунинг учун 5 миллион гектаргача ер керак бўлади.

Жумҳуриятларнинг идоралари ва маҳаллий идоралар вақтни қўлдан бой бермай, кимга қарашли бўлишидан қатъи назар, барча ерларни қайта рўйхатдан ўтказишлари лозим. Шу асосда ерларни деҳқон хўжаликларига, ижарачиларга, кооперативларга, қишлоқда яшаш ва ишлаш истагини билдирган барча фуқароларга бериш учун давлат ер заҳираси барпо этилади. Шу мақсадда деҳқон хўжаликлари ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун имтиёзлар ва рағбатлантириш системасини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш тўғрисида кўрсатма берилди.

Ҳозир, менимча, жамиятда ушбу барча масалалар тўғри тушунилмоқда. Лекин битта туб масала борки, бу масала хусусида фикрлар турлича бўлиб, кураш кучайиб бормоқда. Мен ерга хусусий мулкчиликни назарда тутяпман. Бу хусусда менинг нуқтаи назарим маълум. Менимча, бу шундай масалаки, бу ҳақда халқнинг ўзи қарор қилиши керак. Халқ қандай тўхтамга келса — худди шундай бўлади. Мамлакат Президенти сифатида, қонунчиликда ташаббускорлик тарзида халқ депутатлари тўртинчи Съезди кўриб чиқиши учун мамлакатда (жумҳуриятларда) ушбу масала юзасидан шу масалани умумхалқ овозига қўйиш ҳақида таклиф киритаман.

Пировардида совет деҳқонлари, аграр соҳа барча тармоқларининг меҳнатчилари мамлакатдаги вазиятни, уларга бериладиган мададни муносиб баҳолаб, хўжалик юритишнинг янги шароитларидан фойдаланадилар ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайишини таъминлаш учун ғайрат қиладилар, деб ишонаман.

## III.

Умуман иқтисодиётни барқарор қилиш тўғрисида. ССЖИ Олий Кенгаши «Халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишлари»ни қабул қилди. Бунинг маъноси шуки, баҳс-мунозаралар, муқобил лойиҳаларни қиёслаш даври тугади. Ҳаракат қилиш пайти келди. Бунинг устига қийин вазият вужудга келди.

1991 йил режаси ва бюджети ҳали ҳам тасдиқланмаган. Сабаби — ҳаракатларнинг ўзаро келишилмаганлиги, сўнгги вақтда Иттифоқ ва жумҳуриятларнинг органлари бир-бирига зид қонунларни қабул қилганлигидир. Ғалати вазият вужудга келди: моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, бюджет ҳисобидан пул билан таъминланадиган тармоқларда ҳам банд бўлган меҳнаткашлар учун турмушнинг туб масалалари хусусида равшанлик йўқ. Агар ана шу вазият бартараф этилмаса, январь ойидаёқ моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган меҳнаткашлар ҳам, бюджет ҳисобидан пул билан таъминланадиган тармоқларда банд бўлган меҳнаткашлар ҳам маошсиз қолишлари мумкин. Шу муносабат билан мен 1991 йилга жумҳуриятлар ўртасида иқтисодий масалалар юзасидан вақтинчалик битимни тайёрлаш ҳақида топшириқлар бердим. Бундай ҳужжат лойиҳаси барча жумҳуриятларда кўриб чиқилди. Бу хусусдаги мулоҳазалар олинди. Битим узил-кесил ишлаб чиқилганидан сўнг имзоланиши керак.

Федерация Кенгаши таркибига кирувчи жумҳуриятларнинг раҳбарлари аҳволнинг мураккаблигини тушуниб етиб, мазкур битимни қабул қилишни кечиктиришнинг барча салбий оқибатларини эътиборга оладилар, сиёсий донолик ва муносиб масъулият билан иш тутадилар, деб ўйлайман. Бу эса бозорга ўтишнинг қийин даврида халқ хўжалиги нормал фаолияти йўлидаги тўсиқларни бартараф этади.

Келишиб олиш муайян вақтни талаб қилишини ҳисобга олиб таркиб топган хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш ҳақида фармон чиқарилди, ҳукумат эса келгуси йилнинг биринчи чорагида хўжалик алоқалари ва бюджет муносабатларини тартибга солувчи қарорни қабул қилди. Шу кунларда бошқа шошилинч масалалар ҳам ҳал қилинди. Енгил саноат корхоналарида мамлакат ичкарисида ва чет элдан хом ашё етказиб бериш масаласининг ҳал этилиши кечикиши сабабли юз берган вазиятни ўнглаб олиш лозим эди. Ҳозир тегишли хом ашёни аванс тариқасида харид қилиш ва етказиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ҳозирги мураккаб даврда кўп нарса ёқилғи-энергетика комплекси, транспорт ва алоқа корхоналарининг ишига боғлиқ. Бюджет маблағлари чекланганлиги сабабли барқарорлаштирувчи махсус фонд тузиш зарур деб топилди. Мамлакат ҳаётини таъминлашнинг ана шу энг муҳим тармоқлари пухта ишлашини таъминлаш фонднинг вазифаларидан биридир.

Шахтёрлар, нефтчилар, темирйўлчилар, алоқачилар, базавий тармоқларнинг ходимлари ҳозирги пайтнинг масъулиятли эканлигини яхши тушуниб, иқтисодиётимиз рисоладагидек ишлаши учун ўзларига боғлиқ ҳамма ишни қиладилар, деб умид қиламан. Уларнинг ишлаш ва қийинчиликларни енгиб ўтиш маҳорати, ватанпарварлиги, мамлакат иши учун масъулияти эса етарлидир.

Ҳозирги вақтда пул муомаласини изга солиш, давлат бюджети камомадини қисқартириш мамлакат учун биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммодир. Шу мақсадда қуйидаги чоралар кўрилади; ишлаб чиқаришга сармоя сарфлаш кескин камайтирилади; тугалланмаган иншоотлар тўхтатиб қўйилади ва улар сотилади; молия маблағлари ва моддий ресурслар ишга тушириладиган иншоотларга жамланади; зарар келтирадиган корхоналарга ёрдам анча камайтирилади. Маъмурий-бошқарув харажатлари қисқартирилади ва кўпгина бюджет ташкилотлари ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказилади; ҳарбий харажатлар камайтирилади; бюджет камомадини қоплаш воситаси сифатида қоғоз пул чиқариш тўхтатилади. Аҳоли маблағларини жамғарма банкларга жалб этиш, узоқ муддат фойдаланиладиган молларни кафолатли харид этиш, квартираларни, боғдорчилик ва полизчилик участкаларини, бинокорлик материалларини, гаражларни ва шу кабиларни сотиш йўли давом эттирилади. Вазирлар маҳкамаси ана шу барча масалалар билан астойдил шуғулланади ва мунтазам ҳисобот бериб боради.

Барқарорлаштириш босқичида биз меҳнатга ҳақ тўлаш фондини хўжалик юритишнинг пировард натижаларига мустаҳкам боғлиқ қилиб қўйиш воситаларисиз иш юрита олмаймиз. Ҳозир нималар бўляпти? Бу йил якунларига кўра, саноат ишлаб чиқариши тахминан 1,5 фоиз камайиши кутилмоқда, иш ҳақи эса шунга қарамай, тахминан камида 8 фоиз кўпаяди. Бу бошқа пул даромадларининг кўпайиши билан биргаликда пул қадрсизланишининг асосий манбаи бўлиб, даромадларнинг кўпайишини барибир пучга чиқаради ва бозор томон ҳаракатга тўсқинлик қилади. Айтилган бу гаплардан юқори иш ҳақи йўлига қандайдир ғов солинади, деган маъно чиқмайди. Аксинча, мен шунга асосланаманки, юқори унумли меҳнат учун тўланадиган ҳақ ҳам кўпайиши керак. Фақат иш ҳақининг ана шу ўсиши маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиши ва унинг сифати яхшиланиши билан бевосита ва мустаҳкам боғлиқ бўлиши муҳимдир.

Яқин ойлар — бу айни пайтда бозор кўмакчи соҳаларини, бозорга ўтиш шароитида хўжалик юритишнинг янги шаклларини барпо этишга доир фаол ишлар даври ҳамдир. Янги йилдан бошлаб ССЖИ Олий Кенгаши қабул қилган Қонунлар негизида банк системасининг аҳамияти тубдан ўзгаради. Давлат банки ижрочи давлат ҳокимият идоралари системасидан чиқарилади. Айни вақтда тижорат, акционерлик, кооператив банклари ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа банклар тармоғи кенг ривож топади.

Давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида. Биз бу жараённи мулкчиликнинг хилма-хил шаклларига, хўжалик юритишнинг янги шаклларига, тадбиркорликка ўтиш жараёни деб қараймиз, булар меҳнатни рағбатлантиришни кучайтириш орқали бутун иқтисодиётимизга жўшқинлик бағишлаш воситасидир. Бундай ёндашув қонунда мустаҳкамлаб қўйилган. Биз шунга асосланамиз.

Бироқ жамиятда саволлар туғилмоқда. Биринчисига бундай жавоб қиламан. Давлат тасарруфидан чиқариш Иттифоқ корхоналаридаги пешлавҳаларни ўзгартиришдан, уларни иттифоқ мулкидан чиқариб жумҳурият мулкига топширишдан иборат бўлмаслиги керак. Агар ундай бўлса, Иттифоқ вазирликлари ҳукмронлиги ўрнини жумҳурият идораларининг қаттиқ ҳукмдорлиги эгаллайди. Бундай ҳукмдорлик ҳозироқ мавжуд. Ҳамма гап шундаки, корхона бозорнинг тўла ҳуқуқли иштирокчиси бўлиши керак. Давлат мулк эгаси бўлиб қоладими ёки йўқми? — Бу бошқа масала. Шубҳасиз, бу жаҳон тажрибасидир. Давлат мулки Иттифоққа, жумҳуриятга ва маҳаллий ҳокимиятларга қарашли бўлиши — хўжалик воситаларимиз ишлаши учун қаерда зарур бўлса, ўша ерда бўлиши мумкин. Лекин давлат корхоналарининг ҳамма турлари бозор иқтисодиётининг ягона қоидалари асосида ишлаши, кооператив, акционерлик, ижара ва бошқа корхоналар билан баравар ҳуқуққа эга бўлиши керак.

Давлат тасарруфидан чиқариш жараёни қандай кечишини ҳозир барча тафсилотлари билан аниқлаб қўйиш қийин. Менинг топшириғимга биноан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва халқ хўжалигидаги монополияларни тугатиш дастурининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа жамиятда, қонун чиқарувчи ҳокимият органларида жуда батафсил муҳокама этилиши ва ишлаб чиқилиши, шундан кейингина қабул қилиниши керак. Бироқ мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида акциялар, облигацияларни сотиб олишда, корхонани сотиб олишда меҳнат жамоаларининг аъзоларига, меҳнат ветеранларига устунлик берилиши лозимлиги мутлақо равшан. Давлат тасарруфидан чиқариш жараёнини рағбатлантириш мақсадида иқтисодий рағбатлантириш фондининг қолган қисмини, шунингдек 1991 йилда олинадиган фойданинг бир қисмини акцияларни сотиб олиб, уларни меҳнат жамоалари ходимларига топширишга сарфлаш таклиф этилмоқда. ССЖИ давлат мулкининг барпо этилаётган фонди мол-мулкини баҳолаш ҳамда акцияларни жамоа аъзолари ўртасида тақсимлаш тартибини белгилаб бериши керак. Бундай фонд яқин кунлар ичида тўла ташкил этилиши керак.

Структура сиёсати. Бу иқтисодиётимизни қайта қуришнинг, унга кўпроқ жўшқинлик, ижтимоий йўналиш ва янгиликларга мойиллик бахш этишнинг муҳим таркибий қисмидир. Шу мақсадда сармоя сарфлаш сиёсатида кўпроқ фан билан боғлиқ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этишга зўр берилади. Бунда хорижий шериклар билан ҳамкорликда, бутун машинасозлик комплексини замонавийлаштириш билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда пухта ўйлаб, қатъият билан амалга ошириладиган конверсия катта аҳамиятга эга бўлади. Бундай дастур лойиҳаси Президентлик Кенгашида олимлар ва мутахассислар катта жамоаси иштирокида муҳокама қилинди.

Дастур пухта ишлаб чиқилгандан сўнг тасдиқланганлигини съездга маълум қилмоқчиман. Шу асосда тармоқларда уни амалга оширишга доир амалий ишлар бошланади. Бунда шу вақтга қадар мудофаа комплексида ишлаб келган юқори малакали ходимларни сақлаб қолиш, шу корхоналарнинг фондлари ва технология маданиятини оқилона тасарруф этиш жуда муҳимдир. Дастурда имтиёзлар ва ҳимоя воситалари системаси мавжуд бўлиб, улар фуқароларга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун омилларни яратади.

Олдимизда умумдавлат аҳамиятига молик вазифа турибди. Бу — олий ўқув юртлари ва тармоқ фанини, мамлакатдаги бутун таълим системасини ташкил этиш ва рағбатлантириш қоидаларини қайта қуриш вазифасидир. Биз бу ишга киришдик ва уни фундаментал фанлардан бошладик. Олий мактабни, халқ таълимини ривожлантиришнинг давлат дастури тайёрланмоқда.

Қайта қуриш билан биз мамлакатни жаҳон хўжалиги системасига киритиш вазифасини қўйдик. Бу соҳада бир қанча қадам қўйилди. Ташқи савдонинг ёппасига давлат тасарруфида бўлишидан воз кечдик, корхоналарга ташқи бозорга эркин чиқишга рухсат бердик, хорижий сармояга йўл очиб бердик, кўпинча бир қанча мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларда маблағларнинг талон-торож қилинишига олиб келган мафкуралаштирилган ёндашувдан чекиндик. Савдо ўзаро манфаатли асосда олиб борилмоқда. Сўмнинг алмаштириладиган бўлиши тўғрисида — бунинг учун шароит ярата бошладик. Илгари бу олис келажакдаги вазифа, деб ўйлагандик, лекин ҳаёт ўзгача ёндашувни талаб қилди. Бир неча босқич талаб қилинади, албатта, ички бозорда пулнинг алмаштириладиган бўлиши ана шу босқичларнинг биринчисидир.

Афсуски, биздаги ташқи савдо структураси олдиндан белгилаб қўйилган. Бизгача олиб борилган ишлар учун ҳақ тўлашга тўғри келмоқда. Чет мамлакатларга асосан энергетика ва хом ашё ресурслари чиқарилади. Бироқ ўзимиз мажбур бўлаётган ана шу вазиятда ҳам оқилона ҳаракат қилиш мумкин. Хом ашё ва ёқилғи-энергетика имкониятларини технология жиҳатидан янгилаш учун, хом ашёни тағин ҳам тўлароқ қайта ишлаш ва ҳаддан ташқари кўп чиқитлардан, албатта, экология талабларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш учун 1991 йилдаёқ хорижий сармояларни аниқ мақсадларни мўлжаллаб жалб этамиз.

Аввало, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш учун нисбатан тезроқ самара оладиган тармоқларга хорижий сармоялар келишини рағбатлантирамиз. Бу енгил ва озиқ-овқат саноати, янги технологиялар, энергетика, транспорт, алоқани замонавийлаштиришдир.

Сўнгги вақтда мамлакатнинг валюта билан боғлиқ аҳволи ёмонлашди. Сизларга маълумки, ҳозир валютага доир жумҳуриятлараро ва тармоқлараро муносабатлар муаммоларини бошқариш учун Иттифоқ — жумҳурият валюта комитети тузилган. Бу соҳада 1991 йил биз учун энг қийин йил бўлади. Қарзлар ва кредитлар ҳисобидан тўловларнинг чўққиси айни шу даврга тўғри келди. 1992 йилдаёқ тўловлар роса икки баравар камаяди. Кредит ажратиш тўғрисида бир қанча мамлакатларнинг раҳбариятлари билан музокара ўтказилди. Ўтган куни Европа ҳамжамияти мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Римда бўлиб ўтган кенгаши бизнинг иқтисодий ислоҳотларимизни қўллаб-қувватлаб, Совет Иттифоқига кредит, техника билан ва ўзга йўллар билан кўмаклашиш, шу жумладан 1991 йил давомида белгиланган муддатларда озиқ-овқат маҳсулотларини, уларнинг бир қисмини бепул етказиб бериш режасини маъқуллади. Лекин чет эл ёрдами ва кредитлари нақадар муҳим бўлмасин, уларнинг ўзи бизнинг муаммоларимизни ҳал қила олмаслигини ҳамма тушуниб турибди, албатта. Биз ўз кучимизга умид қилишимиз, бозорга ўтишда уюшқоқлигимизга ва қатъиятимизга ҳамда қаттиқ тежаш режимига умид қилишимиз лозим.

Нарх-наво, даромадлар ва ижтимоий сиёсат. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх-наво пировард натижада талаб ва таклиф асосида белгиланади. Лекин бирваракайига бундай қилиб бўлмайди. Мутаносиблаштирилмаган бозор чоғида нарх-навонинг бошқариб бўлмайдиган даражада ўсиши кўп одамларнинг турмуш даражасига зарба урган бўлур эди. Эркин нархлар доирасини босқичма-босқич кенгайтира борамиз, уларни бир марказдан белгиланадиган нархлар билан бирга қўшиб олиб борамиз ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаймиз. Ҳозир биз шу системани ишлаб чиқиш билан машғулмиз. Бу соҳадаги ҳамма тадбирлар битимлар асосида мувофиқлаштирилиши лозим. Бу соҳада янги вазифаларга эга бўлган Федерация Кенгашининг аҳамияти катта бўлиши керак.

Нарх-наво ҳозирнинг ўзидаёқ кўтарилиб бораяпти, буни ҳамма сезиб турибди. Давлат эса шундай иш тутмоғи керакки, илк босқичда муқаррар бўлган бу жараён одамларга, айниқса кам даромадли кишиларга, маошга яшайдиган кишиларга: ўқитувчилар, врачлар, ҳарбий хизматчилар, олимлар, маданият ходимлари, давлат муассасаларининг хизматчиларига унчалик асоратли таъсир қилмайдиган бўлсин. Бу масалалар юзасидан ҳозиргача бирқанча қарорлар қабул қилинди. Кам даромадли фуқароларимизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун 1991 йилда 65 миллиард сўмдан кўпроқ миқдорда маблағ сарфланади. Келгуси йилда фақат давлат ҳисобидангина ижтимоий-маданий мақсадларга қилинадиган харажатлар 30 фоиздан зиёд— — ўтган 15 йилнинг ҳаммасида ортган миқдорда кўпаяди.

Маданият, соғлиқни сақлаш, таълим, бюджетдаги бошқа бир қанча тармоқлар ходимларининг ставка ва окладларини муддатидан аввал ошириш тўғрисида; пенсияларни, ўқувчи-ёшларнинг стипендияларини, оналарга бериладиган нафақаларни анча кўпайтириш ҳақида қарорлар қабул қилинди. Яқинда ногиронларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тўғрисида махсус қонун қабул этилди. ССЖИ Олий Кенгашида иш билан таъминлаш тўғрисидаги Қонуннинг дастлабки муҳокамаси бўлиб ўтди — унда ишончли кафолатлар кўзда тутилган. Иш билан таъминлаш давлат шўъбаси барпо этилмоқда, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системаси кенгайтирилмоқда. Жумҳуриятлар билан биргаликда соғлиқни сақлаш соҳасида мамлакатда сиҳат-саломатликни муҳофаза қилиш сифатини яхшилашга қаратилган фаол сиёсат ўтказиш ҳақида Президент ҳокимияти алоҳида ғамхўрлик қилади. Хуллас, ижтимоий сиёсат доимо кучайиб ва такомиллашиб бораверади.

Ниҳоят, ўртоқлар, инқирозни бартараф этишнинг яна бир зарур шарти ҳақида гапирмоқчиман. У ҳам бўлса, мамлакатнинг маданий ва ақлу зиё имкониятларини амалий, бунёдкорлик ишига сафарбар қилишдир. Илм-фан ва санъат зиёлилари жамиятни янгилаш ва демократиялаш жараёнига, қайта қуриш сиёсатига қўшган катта, беқиёс ҳиссага таҳсинлар айтиш билан бирга, шу ҳақда гапираяпман.

Шу билан бирга, зиёлилар анчагина қисмининг кучлари ўтмиш билан муносабатни аниқлашга ва ўз орасидаги турли гуруҳларнинг муносабатларини ойдинлаштиришга сарфланаётганлиги жамиятга ёмон хизмат қилаётганини, ижтимоий онгни беқарорлаштирувчи бузғунчи эҳтиросларни қўзғатиш учун фойдаланилаётганини айтишим керак. Инқироз кескинлашган вазиятда зиёлилар бир қисмининг истеъдодлари ва билимлари халқни тинчлантиришга эмас, чигаллашган муаммоларга оқилона ёндашув йўлларини излашга эмас, балки, афсуски, бир қанча ҳолларда ёнғинни, шу жумладан миллатлараро муносабатлардаги ёнғинни аланга олдиришга қаратилган, бу соҳадаги иш ошкора душманчиликка, қон тўкилишига, жумҳуриятларнинг бир-бирига қарама-қарши қўйилишигача етиб борди. Кеча ҳам, ҳали бугун ҳам зиёлилар баъзи вакилларининг сўзи ҳамиша ҳам пухта ўйланган ва масъулиятли бўлаётгани йўқ.

Айни вақтда мен зиёлилар кўпгина намояндаларининг ташвишланаётганини, уларнинг маданият бобидаги бир талай учарлар эфирга, экранга, матбуотга ёпирилиб, зиёли деган номни, ижод эркинлигини суиистеъмол қилиб, пала-партиш, пасткаш асарларни, ғайриинсоний тубан машқларни чиқаришга киришганликлари ва шу тариқа ижтимоий ахлоққа путур етказиб, маданият тушунчасининг ўзини обрўсизлантираётганликларидан безовта бўлаётганликларини қўллаб-қувватлайман.

Мен кўпмиллатли мамлакатимизнинг барча зиёлиларига мурожаат этиб, Ватан учун масъулиятли бўлган шу пайтда ўз бурчини обдон ўйлаб кўришга чақираман. Уларнинг хайрихоҳлигига ва Президент ҳокимияти мамлакатда осойишталик ва тартибни тиклаш, чуқур халқчил ислоҳотларни давом эттириш шароитини таъминлаш учун кўрадиган амалий чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашларига умид қиламан. Съезднинг 28 ноябрь куни бутун мамлакат маданият вакилларининг учрашувида қабул этилган ва барча поғоналардаги Олий Кенгашларга қаратилган декларацияни қўллаб-қувватлашга чақираман. «Агар жамият маданиятни ҳимоя қилса, маданият жамиятни омон сақлаб қола олади» деган ифодали ном билан аталган шу ҳужжат давлатнинг маданий сиёсатига асос қилиб олиниши мумкин ва лозим. Шу ҳужжат айниқса тараққиётимизнинг шу қадар таҳликали даврида барча ҳақиқий зиёлиларнинг феъл-атвор ва фаолият мезонини ҳам белгилаб беради.

Президент ҳокимияти маданиятнинг беназир бирлаштирувчилик мавқеини англаб, айни шу руҳда иш тутаверади, жамиятнинг ижодий кучларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайверади, унинг маданий имкониятларини ошираверади. Бу соҳада тижорат, айниқса манфаатпарастлик ёндашувига йўл қўйиб бўлмайди. Бу соҳадаги йўл-йўриқлар белгилаб олинган, у ҳам бўлса Ватан тақдири, халқларнинг маънавий соғломлиги, мамлакатнинг ақлу зиё имкониятларини ривожлантиришдир. Мана шуларнинг ҳаммаси инсонпарвар социалистик йўл доирасида мамлакатни янгилашнинг ажралмас қисми ва қудратли омилидир.

Депутат ўртоқлар! Бир талай долзарб масалаларни маърузамга сиғдира олмадим. Мен ҳеч кечиктириб бўлмайдиган масалаларга тўхталишни зарур, деб ҳисобладим. Маърузам бошида айтган фикрни яна бир бор такрорламоқчиман. Вазият мамлакат чиқиб олган тик , довондан ўтиб олиш, жамиятни янгилаш, уни жўшқин ривожлантириш йўлига олиб чиқиш асносида дуч келинган қийинчиликларни бартараф этиш учун жамики моддий, инсоний, ақлу зиё ресурсларини сафарбар этишни талаб қилмоқда.

Ҳозир энг зарур вазифалар, яқин истиқболлар, биз кўзлаётган мақсадлар равшан бўлиб қолди. Ҳамма ишга, амалий юмушларга киришмоғи керак. Сиёсатбозликка, митингбозликка, эҳтиросларни авж олдиришга, муҳолифликка қатъият билан чек қўяйлик. Бизга интизом ва ички интизом, инсоний иноқлик, зўр ғайрат билан фидокорона меҳнат қилиш ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Ўз кучимизга ишонч ҳам зарур. Ўзимиз ҳам бўшашмайлик, одамларни ҳам хавф солиб келаётган фалокат билан чўчитмайлик. Хуллас, бутун жамият, барча меҳнат жамоалари, ҳар биримиз сўздан ишга ўтайлик, қатъият билан олға борайлик.

*ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи Съездида*

# ТАШВИШ ВА УМИД БИЛАН

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

заларни билдирдилар. Чунончи, депутат **Т. Ф. Мошняга** Молдова Жумҳуриятидаги вазият тўғрисидаги масалани съездда муҳокама қилишни таклиф этди. Депутат **А. А. Соколов** ССЖИда эркин савдо тўғрисидаги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилишини талаб қилди. Шахс мустақиллиги ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонунга эга бўлиш зарурлиги ҳақида депутат **Р. А. Биков** гапирди.

Съезднинг тайёргарлик комиссияси ва ССЖИ Олий Кенгаши таклиф этган кун тартибининг қуйидаги барча бандлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади:

1. ССЖИ халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездидан кейин сайланган ССЖИ халқ депутатларининг ваколатларини эътироф этиш тўғрисида.
2. Мамлакатдаги аҳвол ҳамда вужудга келган танг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазиятни бартараф этишга оид тадбирлар ҳақида. (ССЖИ Президентининг маърузаси).
3. Янги Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби тўғрисида.
4. ССЖИ Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартишлар киритиш ҳақида.
5. ССЖИда умумхалқ овоз бериши (референдум)ни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
6. ССЖИ халқ депутатини чақириб олиш тартибига доир Қонун лойиҳаси тўғрисида.
7. ССЖИ Бош прокурорини ва ССЖИ Бош давлат ҳакамини тасдиқлаш ҳақида.
8. ССЖИ Олий Кенгаши таркибини янгилаш (алмаштириш) тўғрисида.

Кун тартибини ҳар хил масалалар банди билан тўлдириш тўғрисидаги таклиф кўриб чиқилди. Овоз бериш йўли билан бу таклиф рад этилди.

Шундан кейин ССЖИ Президентига ишончсизлик билдириш тўғрисидаги масалани кун тартибига киритиш ҳақида депутат **С. З. Умалатова**нинг таклифи кўриб чиқилди. Депутатлар ушбу масалани кўриб чиқиш учун номма-ном овозга қўйишни талаб қилдилар. Ушбу бандни кун тартибига киритишни ёқлаб 426 халқ депутати ва унга қарши 1288 депутат овоз берди. Шу тариқа ССЖИ Президентига ишончсизлик билдириш тўғрисидаги масала съезд кун тартибига киритилмади.

Съезд мажлисларини олиб бориш тартибини муҳокама қилиш чоғида депутат **В. А. Пальм** жумҳуриятлар мустақиллиги декларациялари тўғрисидаги масалани бошқа масалалар орасида асосий масала қилиб олишни таклиф этди. Ўз номини айтмаган депутат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисидаги мунозараларни съезднинг иккинчи қисмига қолдириш зарурлигини айтди. Депутат **С. А. Ципляев** тузатишлар киритишни бирмунча самарали қилиши лозим бўлган баъзи таклифларни баён этди. Депутат **Ю. Р. Боярск** ҳужум қилмаслик тўғрисидаги 1939 йилги Совет-Германия шартномасига сиёсий ва ҳуқуқий баҳо берувчи комиссия асосида Болтиқбўйидаги 1940 йилги воқеаларга баҳо бериши мумкин бўлган янги комиссияни тузишни таклиф этди.

Съезднинг иш тартиби ва оммавий ахборот воситаларида унинг ишини ёритиш тўғрисидаги таклифлар тасдиқланди.

Депутатлар таҳрир комиссияларини туздилар. Номзодларнинг шахсий таркиби муҳокама қилингандан кейин съезд барча ҳужжатларини узил-кесил таҳрир этувчи комиссия, шунингдек, бир қанча комиссиялар: мамлакатдаги аҳвол ҳамда вужудга келган танг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни бартараф этиш тадбирлари тўғрисидаги масала юзасидан съезд қарори лойиҳасини тайёрловчи комиссия; янги Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби тўғрисидаги масала юзасидан съезд қарори лойиҳасини тайёрловчи комиссия; давлат бошқаруви системасини такомиллаштириш муносабати билан ССЖИ Конституцияси (Асосий қонуни)га қўшимчалар ва ўзгартишлар тўғрисидаги қонун лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқувчи комиссия; умумхалқ овоз бериши (ССЖИ референдуми) тўғрисидаги Қонун лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқувчи комиссия; ССЖИ халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисидаги Қонун лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқувчи комиссия тасдиқланди.

Съезд котибиятининг раҳбари, Новосибирск муҳандислик-қурилиш илмгоҳининг ректори **А. П. Яненко** котибиятнинг биринчи мажлиси тўғрисида ахборот берди.

Депутатлар **Н. С. Петрушенко, В. Л. Гинзбург, В. А. Шаповаленко** муҳокама этилаётган масалалар хусусида эътироз билдирдилар.

Парламент аъзолари котибият раҳбарларининг ахборотини маълумот учун қабул қилдилар.

Съезд кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга киришди.

Мандат комиссиясининг раиси **В. Г. Гидаспов**га сўз берилди. У учинчи, навбатдан ташқари Съезддан кейин ССЖИ халқ депутатларининг таркибида ўзгаришлар бўлганини айтди. Депутатлик ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилганлиги муносабати билан учта ҳудудий, учта миллий-ҳудудий сайлов округларида ва иккита Умумиттифоқ жамоат ташкилотларида ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига ССЖИ халқ депутатларига сайлов ўтказилди. Маърузачи мандат комиссияси ССЖИ Марказий сайлов комиссияси раисининг ахборотини тинглаб ва тақдим этилган ҳужжатларни текшириб, сайланган ССЖИ халқ депутатлари қонуний рўйхатдан ўтказилган, деб ҳисоблашини маълум қилди.

Съезд сайланган ССЖИ халқ депутатларининг ваколатларини эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Залдагилар учинчи ва тўртинчи съездлар оралиғидаги даврда вафот этган ССЖИ халқ депутатлари хотирасини бир минут сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Кечки мажлисда ССЖИ Президенти **М. С. Горбачев** мамлакатдаги аҳвол ҳақида «Сўздан ишга ўтайлик, қатъият билан олға борайлик» мавзусида маъруза қилди.

**(М. С. Горбачев нутқи рўзноманинг 1, 2-бетларида босилмоқда).**

Мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштиришни иқтисодиётни қатъиян соғломлаштиришдан бошламоқ керак — КПСС Татаристон вилоят комитети котиби **А. П. Лаврентьев** нутқининг асосий мазмуни ана шундай. У маъруза юзасидан музокараларни бошлар экан, иқтисодий субъективизм ва худбинлик кучайиб бораётганидан, бу аҳвол хўжалик алоқаларининг барбод бўлишига олиб келаётганидан ташвишланиб гапирди.

Нотиқ Иттифоқ шартномасини имзолашга қадар ССЖИ Президенти айтган иқтисодий битимни пайсалга солмай имзолаш зарур, деб ҳисоблайди. Депутат мудофаа комплекси корхоналарини ички бозорда ғоят тақчил бўлиб турган маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган қилиб ўзгартириш муаммоларига эътибор берди. Конверсиянинг боришини, деб таъкидлади у, жиддий равишда ўнглаб олиш керак.

Қайта қуришни бошлаётганимизда кўп соҳаларда тезда ижобий натижаларга эришишга умид қилган эдик, деди ССЖИ Олий Кенгашининг фан, халқ маорифи, маданият ва тарбия комитети аъзоси **В. М. Рябков.** Амалда эса бошқача бўлиб чиқди. Нотиқнинг ибораси билан айтганда, ҳар бурчакда майда тоталитар режимлар барпо этилмоқда, маҳаллий «темир пардалар» ўрнатилмоқда. Мана шундай шароитда марказ ўзига хос бўлган баъзи бурчларини зиммасидан соқит қилишга уринаётганлиги хавфлидир.

Нотиқ барча хўжалик операциялари фақат биржалар ва банклар орқали амалга оширилсин, деган аниқ-равшан таклиф киритди. Шундай қилинса, мамлакат товар ҳаракатини тартибга солиш имкониятига эга бўлади, сўмнинг қадр-қиммати маълум даражада ошади. Энг кўп миқдордаги пул айнан қаерда тўпланиб қолганлигини, пинҳоний иқтисодиёт корчалонлари бу пулни қаердан олганлигини кўриб чиқиш керак, деган ғоя ҳам айтилди. Депутат бундай шароитда пулни ислоҳ қилиш мумкинлиги тўғрисидаги фикрни айтди.

Бизнинг сиёсий денгизда довул бўлмоқда, деди депутат **Н. А. Назарбоев.**

Буйруқбозлик-маъмуриятчилик системаси мажақланди, деб ҳисоблаш хом хаёлдир. Марказнинг диктаторлик мавқеи бўшашгани йўқ, маҳкамаларнинг мавқелари мустаҳкам. Масалан, бизнинг валюта ишлаб топишга уринишимизга Президентнинг ҳукумат томонидан тайёрлаб берилган ва объектив иқтисодий қонунларга зарба бераётган фармонлари тўсқинлик қилмоқда. Қозоғистон Президенти ССЖИ Вазирлар Кенгашининг сўнгги қарорини мамлакатнинг ягона иқтисодий маконини барбод этишга қаратилган яширин қўпорувчилик билан қиёслади.

Стратегик жиҳатдан, деб таъкидлади нотиқ, мен М. С. Горбачевнинг йўлига қўшиламан, лекин қайта қуриш тактикасини ўзгартириш керак. Камситилган ва таҳқирланган халқ ваъда қилинган яхшилик сари ўзгариш қани, деб сўрашга ҳақлидир. Яхши истаклар қумга тўкилган сувдек сиёсий сафсаталарда йўқ бўлиб кетди.

Мустақилликлар намойиши — Марказий ҳокимиятнинг фалаж бўлиб қолганига, маҳкамаларнинг худбинлигига жавобдир. Жумҳуриятлар марказнинг вазиятни беқарор қилувчи сиёсатидан ўзларини муҳофаза қилишга уринмоқда. Эскиликнинг барбод бўлиши объектив жараёни давомида янги Иттифоқ вужудга келади. Жумҳуриятлар ўртасидаги шартномалар бирлашиш, халқларимизнинг маънавий бирлиги, иқтисодий жипслашуви йўлида янгиланган федерациянинг негизидир.

**Г. Х. Попов** минтақалараро депутатлар гуруҳи топшириғига биноан сўзга чиққанлигини айтиб, бундай деди: қайта қуришнинг ҳақиқий ўзгартишларига биз ҳали киришганимиз йўқ. Унинг фикрича, ҳозирги қийинчиликлар мамлакатнинг ҳар бир фуқароси бепул бир парча ерни, давлат мулкидан ўз улушини ололмаётганлиги, ўз квартирасининг эгаси бўла олмаётганлиги билан боғлиқ. Нотиқнинг фикрича, мамлакатда партия аппарати хўжалик ва бошқа тузилмаларни ҳаддан ташқари назорат қилиши сақланиб турибди, одамларга эса энг асосий нарса: ўз муаммоларини ўз кучлари билан ҳал этиш ҳуқуқи берилмаган. Шу сабабли қайта қуриш ҳар бир кишининг, бутун халқнинг ишига айланмади, деб ҳисоблайди депутат.

Нотиқ тангликдан биргаликда чиқиш осонроқ, самарали ва оқилроқдир, деб ҳисоблайди. Бунинг устига ана шу ишнинг асосий қисмини жумҳуриятлар ўз зиммаларига олиши керак. Москва шаҳар Кенгашининг раҳбари шу билан бир вақтда кучли марказни, кучли Президент ҳокимиятини сақлаб қолишни маъқуллаб гапирди. Бу ҳокимият, хусусан, жумҳуриятларнинг ўзлари уддалаши қийин бўлган масалаларни — пул ислоҳоти, шунингдек, армияни ислоҳ қилиш ва ҳарбий саноатни конверсиялаш масалаларини ҳал қилиши лозим.

Нотиқ жамиятдаги барча қайта қуриш тарафдори бўлган кучларни жипслаштиришгина, халқ ишончига, жумҳуриятлар аҳиллигига асосланган ҳукуматни тузишгина биргаликда ҳаракат қилишни таъминлай олади, деди.

**Ю. В. Блохин** «Иттифоқ» депутатлар гуруҳи номидан сўзга чиқиб, гуруҳ бирлигининг негизи ягона суверен давлат сифатида ССЖ Иттифоқини ҳимоя қилиш эканлигини таъкидлади.

Қайта қуриш — бутун давлатни ислоҳ қилиш демакдир. Бироқ маълум босқичда қайта қуриш ниқоби остида унинг мақсадлари ва қоидаларидан узоқ турувчи лойиҳа амалга ошириладиган бошланди. Бу қарши қайта қуришдир. Иттифоқ давлатини янгилаш ўрнига у барбод этилганлигини кўриб турибмиз. Иқтисодни замонавийлаштириш ўрнига ҳаётни таъминлашнинг бутун системаси барбод этилди. Ахборот эркинлиги ўрнига журналистлар ва олимларнинг радикал кайфиятдаги тор гуруҳи монополияси вужудга келди, улар жаҳон маърифатига қўшилиш учун зарур тадбир сифатида ССЖИни тарқатиб юборишни тўғридан-тўғри талаб қилмоқдалар. Айрим минтақаларда демократия ўрнига инсон ҳуқуқларини поймол қиладиган режимларни тузиш жараёнини кўриб турибмиз.

Нотиқнинг фикрича, юз берган шароитда, давлатни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш вазифаси турган бир пайтда ССЖИ Конституциясига зид бўлган барча ҳужжатларнинг амал қилишини 1992 йилнинг 1 январига қадар — Иттифоқ шартномасининг субъектларини аниқлаш, ССЖ Иттифоқи суверенитетини таъминлашга шароит яратиш, нормал федератив давлат тузиш учун тўхтатиб қўйиш зарур.

Биз мамлакатда тартиб ўрнатиш юзасидан қатъий чоралар кўрмай туриб съезддан кета олмаймиз. Депутат **С. Б. Сараев** нутқида ана шу фикр яққол айтилди. ССЖИ Олий Кенгаши ўзининг махсус мажлисида ярим йилдан кейин ССЖИ Президентининг мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштириш мақсадида ҳозирги съездга киритган таклифлари қандай амалга оширилгани ҳақидаги маърузасини муҳокама қилиши лозим, деб ҳисоблайди деди, у.

Нотиқ ҳукуматнинг ожизлиги равшан бўлиб қолганлигини таъкидлади. Шароит қийинлигига қарамай, ҳукумат иқтисодиётнинг барбод бўлишини тўхтатиб қолиш имкониятига эга эди.

Нотиқ мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларга кўпроқ эътибор берди. У милиция тўғрисида Қонун қабул қилиш, шунингдек, жиноят кодексининг оғир жиноятлар ҳақида гап борадиган моддаларини кучайтириш зарур, деган фикрни айтди.

Жамиятимизда муҳолифлик хавфли даражага етди, муҳолиф томонлар сиёсий душманга айланди, деди парламентнинг ветеранлар ва ногиронлар ишлари комитетининг аъзоси **А. И. Голяков.** Депутат мамлакатдаги сайловчиларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этадиган кекса авлод вакиллари номидан сўнгги вақтда капитализмни тиклашга очиқдан-очиқ даъватлар қатъий эшитилаётгани ҳақида ташвишланиб гапирди.

Нотиқ ССЖИ Президентининг Иттифоқ тақдири ҳақида, хусусий мулкчилик тўғрисида референдум ўтказиш зарурати етилганлиги тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаб гапирди. Мамлакат сиёсий тузумининг келажаги ҳақида ҳам референдум ўтказиш керак, деди у сўнгра.

У ўз нутқида жамиятда юз бераётган қаттиқ мафкуравий курашда сусткашлик қилаётганлиги учун КПСС Марказий Комитетини танқид қилди.

Депутат **А. М. Мирзабеков** ўз нутқини саросимага тушиб, бақиришларга, эҳтиросларга ва айблашларга берилиб кетмасликка даъват этишдан бошлади. Сафсатабозлик турмуш даражасининг юксалишига олиб бормаслигига, балки иқтисодиётдаги фалажликни кучайтиришига ишонч ҳосил қилиш учун вақтимиз бор эди, деб сўзини давом эттирди у.

Доғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг фикрича, мамлакатни ишлаб чиқаришнинг янада камайиши, меҳнат соҳасининг танглиги кутмоқда. Бунинг сабаби меҳнатни рағбатлантирувчи омилларнинг йўқлигидир. Бир вақтлар мамлакатга қисқа муддатда улкан муваффақиятларга эришишга имкон берган ижобий омилларни унутмаслик керак. Ўзини, ўз халқини, ўз тарихини ҳурмат қилишни ўрганиш лозим.

Миллатлараро муносабатларни аниқлаб олмас эканмиз, биз олға томон ҳаракат қила олмаймиз, деди нотиқ. Миллий можароларнинг илдизи ижтимоий заминга бориб тақалмоқда.

Депутатлар сешанба куни эрталаб мамлакатдаги аҳвол ҳақидаги маъруза муҳокамасини давом эттириш ниятидалар.

(ТАСС).



ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи Съездида.
**Р. ЖУМАНИЁЗОВ** тушırган сурат. ЎзТАГ телесурати.

---

*Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи халқ депутатлари Съездининг қарори*

## ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи Съездининг котибиятини тузиш тўғрисида

ССЖИ халқ депутатлари съезди **қарор қилади:**

ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи Съездининг Котибияти қуйидаги таркибда тузилсин:

**Аасияэ** Хардо Юлович — Таллинн шаҳрининг ҳокими.

**Бородин** Юрий Иванович — ССЖИ Олий Кенгаши халқ саломатлигини муҳофаза қилиш комитетининг раиси.

**Бурдужан** Валериян Васильевич — «Пограничник» жамоа хўжалигининг раиси, Молдова ССЖ, Бричани райони, Ларга қишлоғи.

**Горбунов** Юрий Герасимович — «ОшКПДпроектстрой» бирлашмасининг бошлиғи, Қирғизистон ССЖ, Ўш шаҳри.

**Дубко** Александр Иосифович — Гродно вилояти халқ депутатлари Кенгашининг раиси.

**Зелинский** Игорь Петрович — И. И. Мечников номли Одесса давлат дорилфунунининг ректори, Украина ССЖ.

**Канчукоева** Римма Ҳамидовна — Нарткалидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Кабардин-Балқар МССЖ, Урван райони.

**Кварацхелиа** Гуча Шалвовна — Грузия ССЖ Фанлар академияси тилшунослик илмгоҳининг етакчи илмий ходими, Тбилиси давлат дорилмуаллимининг профессори, Грузия ССЖ.

**Киселев** Геннадий Николаевич — Миллатлар Кенгашининг аҳолига халқ истеъмоли моллари етказиб бериш, савдо, коммунал-маиший ва бошқа хизматлар кўрсатиш комиссияси раиси.

**Корюгин** Николай Николаевич — ССЖИ 50 йиллиги номли Череповец металлургия комбинати иқтисодий тадқиқотлар лабораториясининг бошлиғи, Вологда вилояти.

**Костенюк** Александр Григорьевич — халқ депутатлари Оренбург вилоят Кенгаши ижроия комитетининг раиси.

**Крутов** Александр Николаевич — Марказий телевидение шарҳловчиси, Москва шаҳри.

**Крючков** Георгий Корнеевич — Украина ССЖ Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги маслаҳатчи.

**Кучерский** Николай Иванович — ССЖИ 50 йиллиги номли Навоий кон-металлургия комбинатининг директори, Ўзбекистон ССЖ.

**Лаурушас** Витаутас Антанович — бастакор, Литва давлат консерваториясининг ректори, Вильнюс шаҳри.

**Литвинцева** Галина Николаевна — «Жилгражданстрой» трестига қарашли 7-қурилиш-монтаж бошқармаси пардозловчилар бригадасининг бошлиғи, Улан-Удэ шаҳри.

**Мамедов** Вели Гусейн ўғли — Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети назорат-тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари.

**Мирхолиқов** Темурбой — халқ депутатлари Ленинобод вилоят Кенгашининг раиси, Тожикистон Компартияси Ленинобод вилоят комитетининг биринчи котиби.

**Назарян** Спартион Егоевич — «Маралик» деҳқончилик фирма-жамоа хўжалигининг раиси, Арманистон ССЖ, Ани райони.

**Огарок** Валентин Иванович — ССЖИ давлат режалаш комитети раисининг ўринбосари.

**Пирназаров** Рўзигелди — Чоржўй вилоят офтальмология касалхонасининг бўлим мудири, Туркманистон ССЖ.

**Плотниекс** Андрис Адамович — Латвия ССЖ Олий Кенгашининг аъзоси.

**Раҳимова** Биҳожал — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби.

**Ромазан** Иван Харитонович — В. И. Ленин номли Магнитогорск металлургия комбинатининг бош директори, Челябинск вилояти.

**Саунин** Анатолий Николаевич — Иттифоқ Кенгаши режалаш ва бюджет-молия комиссияси раисининг ўринбосари.

**Сайдаҳмедов** Исоқжон Мамажонович — Самарқанд бирлашган авиаотрядининг командири, Ўзбекистон ССЖ.

**Станкевич** Сергей Борисович — халқ депутатлари Москва шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

**Фотеев** Владимир Константинович — ССЖИ Олий Кенгаши Ошкоралик, фуқаролар ҳуқуқлари, шикоят ва аризалари масалалари комитетининг раиси.

**Хомяков** Александр Иванович — Коми-Пермяклар мухтор округи Кочево районидаги «Родина» жамоа хўжалигининг раиси, Пермь вилояти.

**Цибух** Валерий Иванович — ССЖИ Олий Кенгаши ёшлар ишлари комитетининг раиси.

**Шопанаев** Кайирли Аменович — «Алма-Атакультбитстрой» трестига қарашли 17-қурилиш-монтаж бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи, Қозоғистон ССЖ.

**Юдин** Владимир Дмитриевич — ССЖИ Олий Кенгаши Қонунчилик комитетининг аъзоси.

**Яненко** Аркадий Петрович — Новосибирск муҳандислик-қурилиш илмгоҳининг ректори.

**ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси**

**А. ЛУКЬЯНОВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 17 декабрь.

---

*Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи халқ депутатлари Съездининг қарори*

## ССЖИ халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездидан кейин сайланган ССЖИ халқ депутатларининг ваколатларини тўғри деб топиш тўғрисида

ССЖИ халқ депутатлари Съезди мандат комиссиясининг тақдимномасини кўриб чиқиб, ССЖИ Конституциясининг 110-моддасига мувофиқ **қарор қилади:**

Қуйидаги ССЖИ халқ депутатларининг ваколатлари тўғри деб топилсин:

**Калугин** Олег Данилович, 15-Краснодар миллий-ҳудудий сайлов округидан 1990 йил 2 сентябрда сайланган;

**Лавринович** Михаил Федорович, уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ ташкилотидан 1990 йил 16 мартда сайланган;

**Никольский** Александр Александрович, ССЖИ Фанлар академияси ҳузуридаги илмий жамиятлар ва уюшмалардан 1990 йил 22 мартда сайланган;

**Петрук-Попик** Георгий Михайлович, 517-Збараж ҳудудий сайлов округидан 1990 йил 28 октябрда сайланган;

**Стежко** Станислав Андреевич, 424-Верхнеднепровск ҳудудий сайлов округидан 1990 йил 13 майда сайланган;

**Тутеволь** Игорь Николаевич, 621-Зирянов ҳудудий сайлов округидан 1990 йил 5 августда сайланган;

**Чигвария** Жамол Константинович, 170-Батуми миллий-ҳудудий сайлов округидан 1990 йил 18 ноябрда сайланган;

**Ёқубов** Валерий Азизович, 355-Душанбе-Фрунзе миллий-ҳудудий сайлов округидан 1990 йил 22 апрелда сайланган.

**ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси**

**А. ЛУКЬЯНОВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 17 декабрь.

---

## ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ОСОН БЎЛМАЙДИ

МОСКВА, 17 декабрь. ЎзТАГ махсус мухбири Альфред Баранов хабар қилади:

Бугун Кремлдаги Съездлар саройида мамлакат халқ депутатларининг катта йиғини очилишида Совет Иттифоқи Гимни яна, тўртинчи марта янгради. Иттифоқдош жумҳуриятлар, миллий ва худудий тузилмалар аҳолисининг икки минг нафар мухтор вакили ўз сайловчиларининг ҳоҳиш-иродасини билдириш, ҳозир иқтисодиётда, сиёсий ва ижтимоий турмушда рўй берган жуда ўткир, танг вазият билан боғлиқ етилган масалаларни муҳокама қилиш, мақбул ечимларни, юзага келган аҳволдан қутилишнинг пухта йўлларини биргаликда топиш учун бу ерга тўпландилар.

Депутатлар тасдиқлаш учун таклиф этилган кун тартибининг ҳар бир бандида ана шундай ташвиш ва хавотирлик акс этган. Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни, сиёсий вазиятни соғломлаштириш, совет кишиларининг турмушини яхшилаш юзасидан таназзулга қарши долзарб тадбирлар дастури, янги Иттифоқ шартномаси асосида давлатимизни тубдан қайта қуриш йўллари шулар жумласидандир. Съезд ишининг дастлабки дақиқаларидаёқ у енгил бўлмаслиги, оддий қарорлар тез қабул қилинишини кутишга тўғри келмаслиги маълум бўлди.

Анжуман очилиши арафасида эса, Ўзбекистондан съездга келган ССЖИ халқ депутатлари юзага келган анъанага мувофиқ умумий муаммоларни гаплашиб олиш, Кремлда бўладиган иш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашиш, қандай иш олиб боришларини аниқлаб олиш мақсадида жумҳуриятимизнинг доимий ваколатхонасида йиғилдилар.

Жумҳурият Президенти, ССЖИ халқ депутати И. А. Каримов олиб борган бу учрашувда Ўзбекистон сайловчиларининг юзга яқин вакили қатнашди. Президент съездда қабул қилиниши керак бўлган қарорлар Ўзбекистон учун жуда катта аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, жумҳурият раҳбарияти ижтимоий-иқтсодий аҳволни соғломлаштириш ва барқарорлаштириш, бозор муносабатларига иложи борича осонроқ ўтишни таъминлаш — аҳолига, энг аввало, ҳозирги вақтда жумҳуриятимизда яшаётган кишиларнинг деярли ярмини ташкил этадиган камбағал табақаларга мумкин қадар зарар етказмаган ҳолда ўтиш учун амалга ошираётган тадбирлар, ишларнинг аҳволи хусусида депутатларга батафсил ахборот берди.

Учрашувда йигирма миллионли Ўзбекистон халқидан вакил бўлиб келган халқ депутатлари ҳозирги жуда ўткир вазиятда суст йўл тута олмасликлари, ниманидир кутиб ўтирмай, съездда ўз сайловчиларининг умид ва ишончларини иш билан оқлашга, уларнинг манфаатларини қаттиқ ҳимоя қилишга мажбур эканликлари айтилди. Ўзбекистон депутатлари кун тартибидаги ҳар бир банд юзасидан айтишга арзийдиган гаплари бор. Сўз берилган ҳар бир киши ўз нутқида жумҳуриятимиз меҳнаткашларининг, унинг барча кўп миллатли аҳолисининг ҳаётий манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган аниқ, амалий йўлни ифодалаши муҳимдир.

Мамлакат парламентида депутатларни алмаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

---

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БАЗАСИНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида 17 декабрь куни Марказий Қўмитанинг қурилиш ва бинокорлик материаллари масалалари кичик комиссиясининг мажлиси бўлди. Муҳокама чоғида жумҳурият бинокорлик материаллари саноати ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Кичик комиссия кенгашида қатнашган коммунист раҳбарларнинг эътиборини халқ хўжалигининг бу тармоғидаги камчиликларга, янги йирик корхоналар, шу жумладан Майск ғишт заводи, Тошкент бинокорлик материаллари комбинати сингари корхоналар қурилишида йўл қўйилган қолоқликка қаратдилар.

Пудратчи вазирликлар ва идоралар коммунист раҳбарлари Н. Р. Ҳамроев, Х. А. Арустамян, Қ. Х. Маҳамадалиевнинг қурилишни жадаллаштириш ва бинокорлик материаллари саноати объектларини фойдаланишга топшириш юзасидан қўшимча тадбирлар кўраётганликлари хусусидаги гаплари маълумот учун қабул қилинди.

Тармоқни 1991 йилда ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

---

## ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРОКУРАТУРАСИДА

Жумҳурият прокуратураси ҳайъати мажлисида фавқулодда ҳодисалар — Нукус шаҳридаги 9- ва Тошкент шаҳридаги 1-тергов қамоқхоналарида одамларни гаровга ушлаб қолиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

26 август куни Нукусда ва 29 октябрь куни Тошкентда юз берган воқеалар тергов қамоқхоналари раҳбарларининг бепарволиги ва уқувсизлиги, Қорақалпоғистон Ички ишлар вазирлиги билан Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси томонидан назоратнинг йўқлиги оқибатидир, деб таъкидланди. Тергов қамоқхоналари ходимларининг йўл қўйиб бериши натижасида маҳбуслар камералардан чиқиб одамларни гаровга ушлаб олди, аслида режимли корпусларни эгаллаб олишди.

Қорақалпоғистон Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитетида тергов қамоқхонаси раҳбарияти қочишга тайёргарлик кўрилаётганини ҳақида, маҳбусларнинг одамларни гаровга ушлаб қолиш муддаолари тўғрисида хабардор эди. Бироқ бу хабарни назар-писанд қилмади. Жумҳурият ахлоқ тузатиш ишлари бошқармасида 9-тергов қамоқхонасида бундай фавқулодда вазиятнинг олдини олиш тадбирлари қониқарсиз бажарилаётганлигини билар эдилар. Қамоқхоналарда маҳбуслар учун тегишли жой—турмуш шароити яратишга эътибор берилмаган, интизом тадбирларини амалга ошириш чоғида қонунийлик таъминланмаган. Чунончи 9-тергов қамоқхонасида маҳбуслар олдиндан текширилмай жазоланаверган. У ерда ўтказилган прокурор текширишлари расмият учунгина бўлиб, мавжуд қўпол хатолар аниқланмаган.

Жиноий ишларни текшириш вақтида ҳам, бундай ишлар судга оширилгандан кейин ҳам маҳбуслар узоқ муддат сақланаётганлиги тергов қамоқхоналаридаги мураккаб вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Асоссиз сансалорлик, судлар томонидан ишларнинг асоссиз равишда қўшимча тергов қилиш учун қайтарилиши маҳбуслар норозилигига сабаб бўлди, бўйсунмасликка, фактлар кўрсатганидек, тергов қамоқхонаси ходимларига фаол зўравонлик қилишга, қочиш учун уринишларга олиб келмоқда.

Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти прокурорлари қонунга риоя этилиши устидан, дастлабки тергов ва судларда жиноий ишларни кўриб чиқиш муддатларига, тергов қамоқхоналарида қонунга риоя этилиши устидан назоратни бўшаштириб юборганликлари кўрсатиб ўтилди. Прокуратура ҳайъати ана шу масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

(ЎзТАГ).

